O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOG‘-KON SANOATI
VA GEOLOGIYA VAZIRLIGI

GEOLOGIYA FANLARI UNIVERSITETI

“MINERAL RESURSLAR INSTITUTI” DAVLAT MUASSASASI

REPUBLIK OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF MINING AND GEOLOGY

UNIVERSITY OF GEOLOGICAL SCIENCES

INSTITUTE OF MINERAL RESOURCES STATE ESTABLISHMENT

BUYRUG`I

2026y. « 02 **»** 10 153-n ***son*** Toshkent shahri

“Гендер тенглик фаоли” миллий танловига тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2025 йил 16 апрелдаги КҚ-156-IV-сон ва 2026 йил 27 августдаги КҚ-386-V-сон қарорларига мувофиқ ўтказилаётган **“Гендер тенглик фаоли” миллий танловида** “Минерал ресурслар институти” давлат муассасасининг **“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика ташкилоти”** номинациясида иштирокини таъминлаш, шунингдек, танлов Низомида белгиланган баҳолаш мезонлари бўйича зарур ҳужжат ва материалларни сифатли тайёрлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. “Минерал ресурслар институти” давлат муассасасининг “Гендер тенглик фаоли” миллий танловида **“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика ташкилоти”** номинациясида иштирок этиши тасдиқлансин.

2. Танловга тайёргарлик кўриш, зарур маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларни йиғиш, умумлаштириш ҳамда танлов материалларини шакллантириш бўйича **ишчи гуруҳ** тузилсин ва ишчи гуруҳ раҳбари сифатида “Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш” бўлими бошлиғи Ф.А. Халилова тайинлансин.

3. “Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш” бўлимига ходимлар таркиби, жинслар кесимидаги статистика, ишга қабул қилиш ва лавозимлар бўйича маълумотларни тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Касаба уюшмасига институт ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга кўрсатилган ёрдамлар ва бошқа тегишли амалий ишлар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

5. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги етакчи муҳандиси Ф.Ф. Халиловга институтда хотин-қизлар ва эркаклар учун яратилган хавфсиз меҳнат шароитлари, меҳнат муҳофазаси ва тегишли чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

6. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими етакчи муҳандис-дастурловчиси А.А.Абдусаматовга институтнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида гендер тенглик, хотин-қизлар фаолияти ва тенг имкониятларга оид

жойлаштирилган материалларни умумлаштириш ҳамда уларнинг электрон нусхалари ва ҳаволаларини тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

7. Илмий-тадқиқот институти илмий котиб Д.Х. Асабаевга гендер тенглик, хотин-қизлар иштирокини қўллаб-қувватлаш, малака ошириш ва тадбирлар бўйича материалларни йиғиш вазифаси юклатилсин.

8. Ишчи гуруҳ раиси Ф.А. Халиловага Низомнинг баҳолаш мезонларига мувофиқ барча материалларни умумлаштириш, ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ва танловга тақдим этиш учун раҳбариятга киритиш вазифаси юклатилсин.

9. Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган муддатга қадар тайёрланиши ва 2026 йил 5 октябрга қадар Мирзо-Улуғбек тумани Оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этилиши таъминлансин.

10. Буйруқ ижросини назорат қилишни Илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари (илмий ишлар ва инновациялар бўйича) М.Ш. Ахмедов зиммасига юклатилсин.

Директор, г.-м.ф.ф.д. **Р.Х. Ибрагимов**

-сонли буйруққа илова

Ишчи гуруҳ таркиби

Т/р	Ф.И.Ш.	Лавозими
1	Ахмедов Мурод Шермухамадович	Илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари (илмий ишлар ва инновациялар бўйича)
2	Асабаев Дилшод Хасанкулович	Илмий тадқиқот институти илмий котиби
3	Хамидуллаев Бахром Нарзуллаевич	Олмалиқ тажриба-синов ва геоинновацион технологиялар маркази илмий-тадқиқот маркази мудири
4	Халилова Фируза Асроровна	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи
5	Холиёров Анвар Турсинович	Нодир металлар ва камёб ер элементларини башоратлаш сектори Илмий-тадқиқот сектори бошлиғи
6	Рахмонова Нафиса Бахромовна	Геология-қидирув ишлари методикаси сектори Геология соҳасида катта илмий ходим
7	Абидова Нигора Алишер қизи	Геология-қидирув ишлари методикаси сектори Геология соҳасида кичик илмий ходим
8	Самандарова Шохида Юлдашевна	Технологик минералогия лабораторияси Фойдали қазилмаларни бойитиш соҳасида кичик илмий ходим
9	Халилов Фурқат Фархудинович	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича етакчи муҳандиси
10	Абдусаматов Абдулборий Абдулазиз ўғли	Муҳандис-дастурловчи (етакчи)
11	Нормаматова Мунисахон Тўлқин қизи	Геология-қидирув ишлари методикаси сектори, лойиҳа-смета ишлари бўйича 2-тоифали муҳандис